



Ушбу лойиҳа Европа Иттифоқи билан  
биргаликда молиялаштирилмоқда



Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги



# ЎЗБЕКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ II БОСҚИЧ

Ушбу ҳужжат Европа Иттифоқининг моддий кўмаги ёрдамида тайёрланган. Ушбу нашрда келтирилган фикрлар Европа Иттифоқининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмаслиги мумкин.

# ЛОЙИҲА ҲАМКОРЛАРИНИНГ ФИКРЛАРИ



**Л. Н. ТУЙЧИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирининг  
ўринбосари

«Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш» — деб номланган ҳамкорлик лойиҳаси Европа Иттифоқи, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, ЮНИСЕФ ва ЖССТ ўртасида самарали ва муваффақиятли ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин мисоли сифатида хизмат қилади. Лойиҳанинг биринчи ва иккинчи босқичларининг муваффақиятли натижалари мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Ўзбекистонда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш каби устувор йўналиш сари дадил олға интилиш давлат сиёсатининг юқори самарадорлигини яна бир бор тасдиқлади. Ҳамкорликда амалга оширилган чоралар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш ва кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттиришга имкон яратади ва шу билан бирга, давлат, хамжамият ва халқаро ташкилотлар орасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштиришни таъминлаш ва мамлакатимиздаги барча болалар соғлом туғилиб, ўсишлари учун керакли шароитлар яратилишини кафолатлайди.



**Ю. ШТЕРК,**  
элчи, Европа Иттифоқининг  
Ўзбекистондаги Делегацияси  
раҳбари

Биз Ўзбекистон ҳукумати томонидан соғлиқни сақлаш тизимида ва, хусусан, она ва бола соғлиғини ҳимоя қилиш секторида амалга оширилаётган ислохотларни кузатаётганимиздан бахтиёрмиз. 2008 йилдан бошлаб, ушбу лойиҳа доирасида Европа Иттифоқи, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ва ЮНИСЕФ ўртасида самарали ва муваффақиятли ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ишонамизки, энг юқори халқаро стандартларга мос бўлган она ва бола соғлиғини ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш, тиббиёт ҳодимларининг касбга оид кўникмаларини ошириш ва ижтимоий ёндашувлар ёрдамида оналарнинг кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ўзаро ҳаракатларимиз МРМ 4 ва МРМ 5 га сезиларли ҳисса қўшди.



**Р. ФУДЕРИЧ,**  
ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги  
ваколатхонаси раҳбари

Ушбу лойиҳа мамлакатнинг оналар ва болалар ўлими даражасини камайтиришга қаратилган чораларнинг муҳим қисмидир. У Ўзбекистонда амалга оширилаётган Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни қўллаб-қувватлади, шаҳар ва қишлоқ жойларида оналар ва болаларни тиббий хизматлар билан таъминлашга қаратилган кенг қамровли ва иқтисодий жиҳатдан самарали чораларни амалга оширди. Бундан ташқари, тўғри муносабат ва комплекс стратегия ёрдамида сифатли тиббий хизматларга муҳтож бўлган барча оналар ва болаларга амалий ёрдам кўрсата олиш мумкинлигини исботлай олдик. Умид қиламанки, биз оналар ва болалар соғлиғини ҳимоя қилишни ривожлантиришга йўналтирилган ҳамкорлигимизни давом эттирамиз ва шу орқали бутун мамлакат аҳолисининг соғлиғини сақлаш, фаровон ҳаёт кечирish ва барқарор ривожланишига ҳисса қўшамиз.

# ЛОЙИҲА ЭРИШГАН МУВАФФАҚИЯТЛАР

## Институционал кучайтириш

**Оналар ва болалар соғлиғини халқаро стандартлар асосида ҳимоя қилиш бўйича ислохотларни самарали амалга ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ва унинг учта даражасининг (бирламчи, иккиламчи ва учламчи) кўникма ва амалий салоҳиятлари кенгайтирилди.**

Лойиҳа Соғлиқни сақлаш Вазирлигини оналар, янги туғилган чақалоқлар ва болаларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган сиёсат, асосий меъёрий-қонуний базасини ва клиник кўрсатмаларни қайта кўриб ва ишлаб чиқиш жараёни давомида қўллаб-қуватлади.

### АСОСИЙ ЮТУҚЛАР

Соғлиқни сақлаш Вазирлиги бошчилиги остидаги оналар ва болаларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш Вазирлик, халқаро ташкилотлар ва донорларнинг вакилларидан ташкил топган бўлиб, тажриба алмашиш, соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолият масалаларини муҳокама қилиш ва халқаро донорларнинг лойиҳалари натижаларини амалиётга тадбиқ этишда самарали негиз бўлиб хизмат қилади.

Лойиҳа Соғлиқни сақлаш Вазирлигига, 2014 йилнинг Сентябрь ойида 2221-сон остида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори асосида «2014–2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури»ни амалга оширишда ёрдам берди. Бугунги кунда, лойиҳа халқаро ҳамкорликни қамраб олган оналар ва болаларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш тизимини ислоҳ қилишда асос вазифасини бажармоқда.

Лойиҳа Соғлиқни сақлаш Вазирлигига **оналар ва болалар соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича асосий қонуний (қарорлар, клиник стандартлар ва кўрсатмалар) асосларни ишлаб чиқишга ва ривожлантиришга** техник кўмак кўрсатди:

- Соғлиқни сақлаш Вазири томонидан 2013 йилнинг июль ойида тасдиқланган 225-сонли «*Болаларга тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*»ги Буйруқ
- Соғлиқни сақлаш Вазири томонидан 2014 йилнинг май ойида тасдиқланган 185-сонли Ўзбекистон Республикасида Перинатал Хизматларни ҳудудийлаштириш тўғрисидаги Буйруқ

*ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Р. Фудерич ва Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи делегациясининг раҳбари, элчи Ю. Штерк кўшма мониторинг жамоасининг Тошкент вилоятида ўтказётган таширфи вақтида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбати.*



- Соғлиқни сақлаш Вазири томонидан 2014 йилнинг декабрь ойида тасдиқланган Касалхоналарда Акушерлик хизматларининг Миллий Стандартлари
- Соғлиқни сақлаш Вазири томонидан 2015 йилнинг феврал ойида тасдиқланган Чақалоқлар Реанимацияси бўйича Миллий Кўрсатмалар
- Соғлиқни сақлаш Вазири томонидан 2015 йилнинг июль ойида тасдиқланган *Оғир Ҳолатлар Аудити (ОҲА) ва Она Ўлими Ҳолатларини Конфиденциал Ўрганиш (ОЎХКЎ) методологиясини мамлакат даражасида қўллаш бўйича Миллий Стандарт*
- Соғлиқни сақлаш Вазири томонидан 2015 йилнинг октябрь ойида тасдиқланган 405-сонли Буйруқ: *5 ёшдан кичик бўлган болаларга амбулатория хизматларини кўрсатиш бўйича Клиник Йўриқнома.*
- Соғлиқни сақлаш Вазири томонидан Ўзбекистон Республикасида *Неонатал хизматларни ташкил қилиш* бўйича тасдиқланган 183-сонли Буйруқ
- Ўзбекистон Республикасида *Болалар орасида ўлим даражасини камайтиришга* қаратилган чоралар
- *Янги туғилган чақалоқларга Асосий ёрдам кўрсатиш* бўйича Клиник Йўриқнома
- Соғлиқни сақлаш Вазирининг *Қўллаб-қувватлаш Кураторлиги* бўйича *Йўриқномаси*

Оналар ва болаларнинг саломатлиги бўйича кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш лойиҳаси тиббиёт муассасаларини баҳолаш ёрдамида Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ва ҳудудий соғлиқни сақлаш ташкилотларига Оналар ва болаларнинг саломатлиги бўйича кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини янада яхшилашга оид билимларини оширишга ёрдам беради.

Ушбу лойиҳа Соғлиқни сақлаш Вазирлигига Тиббий Хизмат Сифатини Яхшилаш Миллий Концепциясини, Тиббий Хизмат Сифат Яхшилаш бўйича Стратегик Режасини ишлаб чиқишда ва сифатни яхшилашга қаратилган воситаларни ишлаб чиқиш

ва ривожлантириш, уларни сертификатлаш ва қўллаб-қувватлаш кураторлиги масалаларида амалий ёрдам кўрсатди.

Оналар ва болаларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун икки турдаги маълумотлар базаси яратилди: (i) *Оналарнинг туғиш давридаги ва болаларнинг неонатал давридаги саломатлиги, ва Ўлим даражаси* ва (ii) *Болалар Ўлимига* тегишли маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш. Ушбу маълумотлар тўпланган электрон дастур кўрсаткичларини стандартлаштириш, ҳудуд ва туман даражаларида маълумот тўплашни автоматлаштириш ва тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш жараёнининг барча поғоналарида модернизациялаш имконини яратади.

Лойиҳа ёрдамида Соғлиқни сақлаш Вазирлиги Тиббий Хизмат Сифатини Яхшилашга йўналтирилган икки турдаги миллий ресурс-марказини очди ва ушбу марказ, оналар ва болаларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш соҳасида фаолият юритаётган мутахассисларга тиббий хизмат сифатни яхшилаш воситаларини ўз муассасаларида қўллаш ва лойиҳа тадбирларининг барқарорлигини таъминлашда катта ёрдам беради. Ушбу Марказлар **Республика ихтисослашган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази** ва **Республика перинатал Марказида** жойлашган.



Она ўзининг янги туғилган чақалоғи билан.

## ТҮРТ САВОЛ

### Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л. Н. Туйчиевга

**1. «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича хизматларини такомиллаштириш. II Босқич» лойиҳасининг мақсадлари нимадан иборат эди?**

**Туйчиев Л. Н.:** «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларни такомиллаштириш. II Босқич» лойиҳаси 2012 йилда бошланган бўлиб, Европа Иттифоқи, ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигининг самарали давоми ҳисобланади. Лойиҳа Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожига, МРМ 4 ва 5 га ҳисса қўшди ҳамда оналар ва болаларга перинатал ва постнатал даврларда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилашга қаратилган ислохотларни қўллаб-қувватлади. Фарғона, Бухоро, Хоразм, Тошкент вилоятлари билан бирга Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаларини қамраб олган 2 босқич янги туғилган чақалоқлар ва болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишни яхшилаш бўйича иқтисодий самарали амалиётларни умуммиллий даражада ёйиш билан якунлади.

**2. Лойиҳа якунлангандан сўнг унинг натижаларининг барқарорлик истқболлари қандай?**

**Туйчиев Л. Н.:** Лойиҳанинг учта асосий йўналишлари натижаларнинг барқарорлигини таъминлади:

Миллий даражада лойиҳа Ўзбекистон Ҳукумати ва Соғлиқни сақлаш Вазирлигига 2014–2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастурини ўз ичига қамраб олган Она ва Болалар соғлиғини ҳимоя қилиш учун асосий сиёсий ва меъёрий — ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш, қайта кўриш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги кунги халқаро талаблар ва стандартларга мос ҳолда, лойиҳа ёрдамида, тиббиёт тизимининг барча даражаларида оналар ва болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг ўртасида ўлим ҳолатларини камайтиришга ёрдам берувчи клиник протоколлар ва миллий талаблар қайта

*Хар бир боланинг  
ҳаёти бахтли  
бошланиши керак.*



кўриб чиқилди. Ушбу протокол ва қўлланмаларнинг амалга оширилиши тиббиёт мутахассисларининг доимий фаолиятларида сезиларли ўзгаришларни ва тиббий хизматлар сифатининг яхшиланганлигини кўрсатди. Ўқитиш натижаларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида янги туғилган чақалоқлар ва болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш бўйича модуллар мамлакатимизнинг 8 та тиббиёт институтларининг диплом тайёрлов дастурларига киритилган ва 2013 йилда Олий ва ўрта Махсус Таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Хонадонлар ва жамоалар даражасида, янги дастурий элемент сифатида, 2 босқич тиббий хизматларга бўлган талабни кучайтириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини яратишга мўлжалланган озиқлантириш ва оилада парваришlash амалиётлари бўйича таълим компонентини қамраб олган эди.

### 3. Лойиҳанинг оналар ва болаларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш сифатини яхшилаш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик истиқболларига қандай ҳисса қўшади?

**Туйчиев Л. Н.:** Оналар ва болаларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритаётган ҳалқаро ташкилотлар томонидан ўтказилаётган тадбирларни қайтармаслик ва ресурсларни самарали сафарбар қилиш мақсадида лойиҳа доирасида Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан оналар ва болаларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш масалалари бўйича Муввофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Ушбу Муввофиқлаштирувчи кенгаш Вазирлик ва Ҳалқаро ташкилотлар ва донорларнинг вакилларида ташкил топган бўлиб, тажриба алмашиш, соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолият масалаларини муҳокама қилиш ва ҳалқаро донорлар лойиҳаларининг натижаларини амалиётга татбиқ этишда асос бўлиб хизмат қилади.

### 4. «Ўзбекистонда Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш» лойиҳасининг Оналар ва Болалар Соғлиғини ҳимоя қилиш соҳасида



*Лойиҳа доирасида ўқиган тиббиёт ходимлари она ва янги туғилган чақалоқ ўртасида тери-тери мулоқотини эрта ўрнатишда муҳим роль ўйнайдилар.*

### кўрсатилаётган хизматларни такомиллаштиришда қандай ўрин тутмоқда?

**Туйчиев Л. Н.:** Ушбу соҳадаги сиёсий ва меъёрий-қонуний базасини ишлаб чиқиш ва қайта кўриш, тиббий хизматлар даражасини такомиллаштиришга туртки бўлувчи янги клиник ёндашув ва қўлланмаларни ҳаётга татбиқ қилишга йўналтирилган техник ёрдамдан ташқари, лойиҳа Соғлиқни сақлаш Вазирлигига қўллаб қувватлаш кураторлиги, тиббиёт муассасаларини сертификациялаш ва асосий ҳужжат — Тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш бўйича миллий Концепциясини ва Оналар ва Болаларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш сифатини яхшилаш бўйича Стратегик Режалари бўйича восита ва методологияларни ишлаб чиқишда катта ёрдам кўрсатди.

Лойиҳа томонидан ташкил қилинган акушерлик стационар муассасаларида ва биринчи тез ёрдам марказларида Оналар ва Болаларнинг соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилган хизматларнинг миллий баҳолаш натижалари ва ушбу изланишлар асосидаги тавсиялар оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада оширишда қўлланилади.

## ЛОЙИҲА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАР

### Салоҳиятни ошириш ва имкониятларни кенгайтириш

**Тиббий муассасалар ва оила даражасида она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича комплекс ўқув-таълим жараёни ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ қилинган.**

Соғлиқни сақлаш тизимининг доимий ривожланиши соғлиқни сақлаш тизимининг барча поғоналаридаги тиббий хизмат кўрсатиш даражаси салоҳиятини доимий равишда ошириб боришни талаб этади. Янги туғилган чақалоқлар ва болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш бўйича стандарт, протоколлар ва қўлланмаларга таянган ҳолда, янги ишлаб чиқилган ва синалган қўллаб-қувватлаш тизими билан тўлдирилган тиббий муассасалар даражасидаги ўқув машғулоти она, янги туғилган чақалоқлар ва болаларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича ҳолисона ёндашувга асосланди.

#### АСОСИЙ ЮТУҚЛАР

Қуйидаги ўқув материалларига ЖССТ томонидан Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган сўнги стандартларига асосан ўзгартиришлар киритилган ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган:

**Янги туғилган чақалоқларнинг ҳаётини сақлаб қолиш усуллари тўплами**

- **Самарали Перинатал Ёрдам (СПЁ):** ушбу ўқув модули акушер/гинеколог,

неонатолог, доялар ва патронаж ҳамшираларнинг оналар ва болаларга кўрсатаётган хизматларининг сифати ва натижаларини яхшилашга мўлжалланган.

- **Чақалоқлар реанимацияси (ЧР) ва Янги туғилган чақалоқларга асосий ёрдам (ЯЧАЁ):** ушбу ўқув модули янги туғилган чақалоқларга эрта ёрдам кўрсатиш, туғма асфикция ва неонатал инфекцияларга чалиниш ҳолатларини камайтириш ва янги туғилган чақалоқларга постнатал асоратларга қарши тиббий чоралар кўриш каби жараёнларни ўз ичига қамраб олган.

- **Болаларга дўстона муносабатда бўлган касалхона ташаббуси (БДМБКТ):** ушбу ўқув модули туғруқхоналарда янги туғилган чақалоқларни кўкрак сути билан озиқлантиришни кўзда тутди.

- **VABIES ва Оғир Ҳолатлар Аудити (ОХА):** ушбу ўқув модуллари маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишни ривожлантириш, ва бундай маълумотларнинг сифат даражасини оширишга йўналтирилган чораларни кўриш учун масъул раҳбарлар эътиборига тақдим этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

**Болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш усуллари тўплами**

- **Болалар Касалликларини Интегрirlаштирилган Усулда олиб бориш**


Тошкент шаҳар Перинатал маркази директори ўринбосари М.Ш. Усманова чақалоқлар реанимацияси тренингининг ўтказилишини кузатмоқда.





## Ўзбекистонда ўқитилган тиббиёт ходимлари сони

Маълумот 2015 йил 1 ноябргача бўлган даврни ўз ичига олади



Шифокорлар 11 561



Ҳамширалар 1167



Доялар 4691

**ЖАМИ**  
**17 419**

**(БКИУОБ):** ушбу ўқув модули бирламчи бўғинда Болалар Касалликларини Интегрирлаштирилган Усулда олиб бориш чораларига йўналтирилган.

- **БКИУОБ шифохона шароитида:** шифохона шароитида ёрдамни талаб қилувчи оғир болалар хасталикларини бошқариш бўйича ўқув модули.
- **Болалар Касалликларини Интегрирлаштирилган Усулда олиб бориш стратегиясининг маҳаллалардаги фаолияти:** ушбу ўқув модули бириктирилган ҳамшираларнинг шахсларо алоқалари даражасини ошириш, ўсиш ва ривожланиш, фақат кўкрак сути билан озиқлантириш, чақалоқлар ва болаларни озиқлантиришни тарғиб қилиш масалалари бўйича консултатив кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган.
- **Ўсиш ва Ривожланишни Мониторинг қилиш (ЎРМ) ва Кўкрак сути билан Озиқлантиришни тарғиб этиш (КО):** ушбу модуль 5 ёшгача бўлган болалар озиқланиши, ўсиши ва ривожланиши даражасини баҳолаш жараёнларини қамраб олади.

Салоҳиятни ошириш учун мўлжалланган чораларни қўллаш мақсадида 6 та бошланғич-синов вилоятларида тўлиқ жиҳозланган **12 та ўқув марказлари** ташкил қилинди ва қайта таъмирланди.

Бугунги кунгача 865 нафардан ортиқ миллий ва маҳаллий ўқитувчи-тренерлар тайёрланди, 17 750 дан ортиқ **тиббиёт мутахассислари Янги туғилган чақалоқлар ва болалар ҳаётини сақлаб қолиш усуллари тўплами** бўйича ўз билимларини бойитдилар. Миллий ўқитувчи-тренерлар ёрдамида вилоят даражасидаги ўқитувчи-тренерлар тиббиёт ходимларига олган янги билим ва кўникмаларини амалда қўллашлари учун ёрдам берувчи **қўллаб-қувватловчи кураторлик ташрифлари** билан 2 254 та тиббиёт муассасалари қамраб олинди ва янги туғилган чақалоқларнинг ва болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш усуллари тўплами бўйича кураторлик ташрифлари ўтказдилар. Бундан ташқари, **оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш хизматлари соҳасида фаолият юритувчи 843 нафар маъсул раҳбарлар** ўқув тренингда ўзла-

рининг бошқарув малакаларини оширишга муваффақ бўлдилар.

Салоҳиятни ўстириш ва қўллаб-қувватлаш кураторлик тизими **она ва бола саломатлигини (ОБС) ҳимоя қилиш сифатини яхшилашга** катта ҳисса қўшди. Тиббиёт муассасаларида ОБСга кўрсатилган тиббий ёрдам хизматларининг сифатини баҳолаш амалда сезиларли ижобий натижаларни кўрсатди: *масалан*, ЖССТ ва ЮНИСЕФ протокол/стандартлари асосида янги туғилган чақалоқларнинг ҳаётини сақлаб қолиш пакетларини тўғри қўллайдиган туғруқхоналар **40,5 %га**, болалар касалхоналари/бўлимлари **75,4 %га** ва умумий амалиёт врачлари кўриқдан ўтган 2 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларни стандарт ва протоколлар бўйича олиб бориш **49,5 %га ўсишида** муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Лойиҳа 2013 йил август ойида олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган **Янги Туғилган Чақалоқларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва Озиқлантириш Модулининг аспирантура ўқув режасига татбиқ қилишда** катта ёрдам берди. 500 дан ортиқ тиббиёт олий ўқув юртли ва тиббиёт коллежларининг педагогик кадрлари аспирантуранинг қайта кўриб чиқилган ўқув режаси бўйича дарс бериш мақсадида қайта тайёрлаш марказларида малакаларини оширдилар.

Лойиҳа ёрдамида Оналик ва Болаликни муҳофаза қилиш тизимини бошқарувчи мутасадди ходимлар салоҳиятини ошириш мақсадида ЖССТнинг ўқув қўлланмаси соғлиқни сақлаш тизимини ҳисобга олган ҳолда мослаштирилди ва Наманган вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида тренинг ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш Вазирлиги билан ҳамкорликда Лойиҳа **амалий билимларни тиббиёт мутахассислари орасида кенг ёйиш** мақсадида 4 та алмашув ташрифларини ташкил қилди. Ҳар бир тадбир тиббиёт муассасаларига ташриф буюришни ҳам ўз ичига олган. Тажриба алмашишнинг мақсади Ўзбекистонда ОБС секторидаги ислохотларни бундан кенгайтириш ва шу билан бирга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ривожлантиришга асосланган қарорларни қабул қилишдан иборат бўлди.

## Вақтидан олдин туғилган ва заиф болаларни дўстона муносабатда парваришlash

Ёш она — Елена Тен — Чирчиқ шаҳридаги Тошкент вилояти перинатал марказининг туғруқ бўлимида ўзининг янги туғилган чақалоғи билан. Биринчи фарзанди каби, бу галги туғиш жараёни ҳам муддатдан аввал бўлди. Аммо, бу сафар фарзандига тўғри ёрдам кўрсатилишини билгани туфайли ўзини хотиржам ҳис қилмоқда.

«Менинг биринчи фарзандим муддатдан аввал дунёга келган. Ўша вақтларда шифокорлар менга фарзандим олдида қолишга рухсат бермаган эди.» — деди Елена. «Ҳозир эса улар менга қизим билан қолиш ва унга ғамхўрлик қилишимга рухсат бердилар. Биз иккимиз тез орада соғайиб кетишимизга ишонаман.»

«Ўзбекистонда Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларни такомиллаштириш. II босқич» лойиҳаси ёрдамида Тошкент вилоятининг перинатал маркази янги туғилган чақалоқларга ёрдам кўрсатиш тажрибасини қатор лойиҳалар томонидан бепул тақдим этилган замонавий ускуналарини қўллаган ҳолда ўзгартирди. Унинг асосий мақсади оналар ва тиббиёт соҳаси мутахассисларининг касалхонадаги ролини ўзгартирishдан иборат эди. Кўкрак билан эмизиш, ҳатто соғилган кўкрак сути билан, оналар ва янги туғилган чақалоқлар орасидаги терига тери эрта алоқага киришишлари имкон борича рағбатлантирилмоқда. Бундай ўзгаришларнинг натижалари шифокор ва ҳамширалар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

«Ўтмишда биз, асосан, дори-дармон ва ускуналарга эътибор қаратардик. Улар ҳам, албатта, муҳим аҳамиятга эга, аммо муддатдан аввал туғилган чақалоқлар ва заиф болаларга, энг аввало, оналари билан алоқа этишмайди,» — деб таъкидлади Тошкент вилоятининг перинатал маркази директори Лопа Карабаева. «Биз оналарга муддатдан аввал туғилган болаларини парваришlash жараёнига кўпроқ иштирокларини таъминлаганимиздан сўнг, кўп ҳолларда чақалоқлар тез ва самарали соғайишини кузатдик. Биз травматик аралашувлар ва дори-дармон қўллашни камайтирдик. Барча ҳолатларда кўкрак сутининг, ҳатто соғилган кўкрак сутининг фойдаси яққол кўринди. Касалхонада даволаниш давомийлиги ва ҳодимларимизга бўлган босим сезиларли даражада камайди.»

Лойиҳа томонидан шифокор ва ҳамшираларнинг амалий малакаларини халқаро стандартлар асосида кучайтириш жараёни ҳам амалга оширилди. Бу, ўз ўрнида, янги туғилган чақалоқларнинг ҳолатини



мониторинг қилиш ва индивидуал ёрдам кўрсатишда яхши натижаларни тақдим қилди.

«Ўз ҳамкасбларим билан биргаликда янги туғилган чақалоқлар ва болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш бўйича бир қатор ўқув курсларида қатнашдим. Ўқув ускуналари ёрдамида биз ўпка вентилляцияси ва инкубация каби усулларни қўллашда ўз малакаларимизни янада оширдик,» — деди интенсив терапиянинг Неонатал бўлими ҳамшираси Дилфуза Джолдосова.

Пировардида юқорида келтирилган самарали ўзгаришлар янада сифатли ёрдамдан баҳраманд бўлаётган болаларга йўналтирилган бўлиб, Елена Тен каби оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат стандартлари ортисига бўлган ишонч сезиларли даражада ошган.

«Улар томонидан қўлланилаётган ёндашувлар болаларнинг яшаб кетиш ва омон қолиш учун бўлган иродаларини кучайтирмоқда» — деб таъкидлади Елена Тен. «Менинг фарзандим ҳатто муддатдан аввал туғилган бўса ҳам, мен унинг яшаб кетишига бутунлай ишонаман.»

## ЛОЙИҲА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАР

### Салоҳиятни ошириш ва имкониятларни кенгайтириш

**Оналар ва болалар соғлиғини тиббиёт муассасаларида ва оила даражасида ҳимоя қилишга қаратилган комплекс таълим ва амалиёт жараёни ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.**

Оналар ва болаларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича сифатли хизматларга нисбатан ошаётган талаблар тарбиячилар ва жамиятга зарур бўлган маълумотларни етказиб беришда қўл келадиган стратегия ва ёндашувларни қўллаш ва шу билан бирга, оила даражасида саломатлик ва фаровонлик бўйича ўткизиладиган ижтимоий муҳокамаларни тарғиб қилишни талаб қилади.

Лойиҳа Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, Хотинқизлар Қўмитаси ва «Маҳалла» Жамғармаси ўртасида ўтказилган консультатив жараён натижасида 0-5 ёшгача фарзандлари бор оналар учун мўлжалланган қуйидаги 5 та амалий ҳаракатларни белгилади:

- Болаларни парвариш қиладиган оналар болалар касалликларининг «ҳавфли белгиларини» аниқлай оладилар ва чора кўрадилар;

- Олти ой давомида оналар чақалоқларни фақатгина кўкрак сути билан озиқлантирадилар ва сўнгра тегишли қўшимча овқатларини берадилар;
- Оилада ҳомиладор ва эмизувчи аёллар 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган турли фойдали элементлар билан бойитилган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш кўзда тутилади;
- Жамиятда кун давомида қўлларни совун ва сув ёрдамида ювишга қаратилган гигиеник талабларга риоя қилинади;
- Ота-оналар ва бошқа асосий тарбияловчилар болалар билан ҳис-туйғули алоқаларни эрта ўрнатадилар, улар билан ўйнайдилар ва когнитив ривожланишни рағбатлантирадилар.
- Ўзбекистонда янги иштирок этишга асосланган таълим ва амалиёт жараёни Наманган вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг танланган маҳаллаларида ҳамда оилаларда 5 та асосий амалий ҳаракатларга мослашиш ва ҳаётга татбиқ қилиш имкониятларини кенгайтириш, ва шу аснода ўз фарзандлари ва оилалари-

*Тўғри овқатланиш асосий амалиётлардан биридир.*



нинг фаровонлиги ва саломатлигини таъминлашга йўналтирилган.

### АСОСИЙ МУВАФФАҚИЯТЛАР

2015 йилда Билим, Муносабат ва Амалиёт (БМА) бўйича ўтказилган Яқунловчи изланишлар 2013 йилги бошланғич изланишларга нисбатан бешта асосий амалий ҳаракатларни қўллашда қуйидаги сезиларли ўзгаришларни қайд этди:

- «Хавфли белгиларни» аниқлай оладиган **ва чора кўрувчи** оналар ва тарбияловчиларнинг ўртача сифат даражаси 31 дан 52 фоизга ошди;
- 6 ойгача бўлган чақалоқларни асосан кўкрак сути билан озиқлантирувчи оналарнинг нисбати 39 дан 50 фоизгача ортди;
- Тўрт ёки ундан ортиқ озуқа гуруҳларини истеъмол қилувчи 6 ойдан 23 ойгача бўлган чақалоқларнинг нисбати 66,5 дан 70,4 фоизгача кўпайди;
- Кун давомида тегishли вақтда қўл гигиенасига риоя қилувчи 0 дан 5 ёшгача бўлган болаларнинг нисбати 35 дан 47 фоизгача ошди; ва

- 5 ёшдан кичик болаларни рағбатлантириш ва ривожлантириш вақтининг ўртача кунлик кўрсаткичи 2 дан 5,9 соатга ошди.

### ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТ

Асосий амалий ҳаракатларнинг пакети БМА бошланғич услуби бўйича қуйидаги ҳудудларда амалга оширилди:

- Наманган вилоятининг 3 та қишлоқ ва 3 та шаҳар маҳаллаларида;
- Қорақалпоғистон Республикасининг 3 та қишлоқ ва 3 та шаҳар маҳаллаларида.

Ушбу бошланғич лойиҳа танланган ҳамжамиятларда 36 000 маҳаллий аҳолини қамраб олди.

Оилаларга бириктирилган ҳамширалар ва жамоат маслаҳатчилари томонидан ташкиллаштирилган БМА жараёни ҳамжамият гуруҳларига 5 та амалий ҳаракатларга ўз муносабатларини баҳолаш ва уларни ўзгартириш йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтишда муҳим аҳамият касб этади.



Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги ошпаз маҳорат дарсларини ўтказмоқда.

*Қорақалпоғистон  
Республикаси  
Чимбой туманидаги  
тажриба  
махалласидаги  
мақсадли гуруҳ  
аъзолари ўзини  
томорқасидан мева  
ва сабзавотларни  
термоқда.*



Оилаларни рағбатлантиришни ва асосий амалий ҳаракатларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бутун ҳамжамият доирасида ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш гуруҳларига асос солинди.

#### **КЕЙИНГИ ҚАДАМ**

БМАНинг асосий элементларини соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа ҳамкорлар билан институциялаш режаларини ишлаб чиқиш, ва шу билан бирга БМА услубларининг самарадорлигини Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарғиб қилиш.

## Иштирок этиш: Янада соғлом жамият сари

«Бизга бириктирилган ҳамшира доимий равишда ташриф буюриб, фарзандларимизнинг соғлиғини текширарди ва шикоятларимизни тингларди», — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани, Мол Бозор қишлоғида истиқомат қилувчи 4 ва 1 ёшли қизларнинг онаси Джулдузхан. «Энди бўлса, хонадонларга доимий ташрифларга қўшимча ҳолда, бизни ўз қарамоғига олган ҳамшира ва жамоат маслаҳатчиси мени ва оила аъзоларимни мунтазам равишда бизнинг фарзандларимиз саломатлиги ва фаровонлиги учун зарур бўлган амалий ҳаракатлар бўйича ўтказиладиган давра суҳбатларига таклиф қиладилар».

*Джулдузханнинг сўзларига кўра*, унинг тўнғич қизи тез-тез касал бўлар, айниқса ичбуруғ хасталигидан азият чекар эди. У кўкрак билан эмизишнинг афзаллик томонлари ҳақида чекланган тушунчага эга бўлганлигини ва болалар соғлиғига хавф солувчи ҳамда врачларнинг ёрдамидан талаб этувчи касалликлар аломатларини катта қийнчиликлар билан аниқлай олганини тан олади. Бундай муаммоларга фақат бу аёл эмас, балки унинг қўшнилари ҳам дуч келган эдилар.

Аммо қишлоқда «Маҳалла» Жамғармаси, Хотинқизлар Кўмитаси ҳамда Европа Иттифоқи, ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томондан амалга оширилаётган «Ўзбекистонда Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича хизматларни такомиллаштириш. II Босқич» лойиҳаси туфайли, иштирок этиш асосида Таълим ва Ҳаракат услубининг амалга оширилиши натижасида Джулдузханнинг оиласи ва унинг атрофидаги ҳамжамят учун вазият аста-секин ўзгара бошлади.

2013–2014 йиллар давомида Наманган вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг танланган шаҳар ва қишлоқларида татбиқ қилинаётган бошланғич Асосий Ҳаракатлар Услуглари ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг, оналар ва 5 ёшгача бўлган болалар соғлиғи ва фаровонлик даражасини баҳолаш, керакли билимларга эга бўлиш имкониятини оширади. Мазкур ҳудуд шароитидан келиб чиққан ҳолда ривожланиш ҳаракатларини режалаштириш ва ижтимоий мониторинг ўтказиш самарали амалиётларни қўллашга олиб келади ва кучайтиради. Ушбу чора тадбирлар ижобий силжишларни доимий мониторинг қилиш имкониятларини кучайтиради ва рағбатлантиради.

Асосий Ҳаракатлар Услуглари кўзга кўринган жамоат арбобларининг ташаббусларига таянган бўлиб, ўз мақсадларини аҳолининг фаровонлигига ҳисса қўшиш истагида бўлган диний раҳбарлар, нафа-



қадаги ўқитувчи ва врачлар, ташаббускор талабалар ёрдамида кенг тарғиб қилади.

Асосий Ҳаракатлар Услуглари бўйича билимга эга бўлган бириктирилган ҳамширалар ва жамоат маслаҳатчилари томонидан доимий равишда оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилишга йўналтирилган қуйида келтирилган 5 та муҳим ҳаракат амалиётлари борасидаги вазиятларни муҳокама қилиш учун учрашувлар ўтказилади: болаларни парвариш қиладиган оналар болалар касалликларининг «ҳавфли белгиларини» аниқлай оладилар ва чора кўрадилар; олти ой давомида оналар чақалоқларни фақатгина кўкрак сути билан озиқлантирадилар ва сўнгра тегишли қўшимча овқатларини берадилар; оилада ҳомиладор ва эмизувчи аёллар 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган турли фойдали элементлар билан бойитилган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш кўзда тутилади; жамиятда кун давомида қўлларни совун ва сув ёрдамида ювишга қаратилган гигиеник талабларга риоя қилинади; ота-оналар ва бошқа асосий тарбияловчилар болалар билан ҳис-туйғули алоқаларни эрта ўрнатадилар, улар билан ўйнайдилар ва когнитив ривожланишни рағбатлантирадилар.

«Ушбу тажриба шуни кўрсатдики, ҳамжамят аъзолари ва фаоллари бошқалардан кўра самаралироқ маслаҳат беришлари ва ўз соғлиқлари, фаровонликлари ва ривожланишларини назорат қила олишларига ишонч ҳосил қилдик», — дейди Джулдузхан. «Ушбу услуб ишонч асосларига таянган ҳолда, жамият аъзоларига ва бошқаларга маълумотлардан эркин фойдаланиш имкониятларини яратиб беради. Мен ва менинг қўшниларим фарзандларимизнинг фаровонлиги ва ривожланиши учун жавобгарлигимизни ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқларини англаб етдик. Энг муҳими, мен энди ўз қизларимнинг соғлом келажигига кўпроқ ишонаман».









**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Ўзбекистон, Тошкент ш., 100011, Алишер Навоий кўчаси, 12

Тел.: +998 (71) 239-46-08

Факс: +998 (71) 244-10-33

E-mail: minzdrav@med.uz



**Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси**

Ўзбекистон, Тошкент ш., 100084, Амир Темур кўчаси, 107-В

Халқаро бизнес маркази

Тел.: +998 (71) 120-16-01

Факс: +998 (71) 120-16-08

E-mail: delegation-uzbekistan@eeas.europa.eu



**ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси**

Ўзбекистон, Тошкент ш., 100029, Шароф Рашидов кўчаси, 16

«Пойтахт» бизнес маркази

Тел.: +998 (71) 233-95-12

Факс: +998 (71) 140-65-08

E-mail: tashkent@unicef.org



